2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 113 (113), 2020 йил 23 июнь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 23-24 июнь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.**

Ташрифнинг биринчи куни дастурига мувофиқ, олий даражада икки томонлама музокаралар ўтказиш режалаштирилган. Кўп қиррали Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

24 июнь куни давлатимиз раҳбари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирларда иштирок этади.

ЎзА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Элбоши Нурсултон Назарбоевга тез орада тузалиб кетишини, мустаҳкам соғлиқ ва куч-қувват тилади.

Мулоқотда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жадал ривожланаётган икки томонлама муносабатлари ва иқтисодиётига пандемия оқибатларининг салбий таъсирини камайтириш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан биргаликда кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни янада кучайтириш муҳим экани таъкидланди.

Кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Қозоғистон амалий ҳамкорлиги изчил кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро манфаатли алоқаларнинг устувор йўналишларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўндан ортиқ янги лойиҳани амалга ошириш назарда тутилаётган саноат кооперациясини мустаҳкамлаш бўйича "йўл харитаси" маъқулланди.

Бўлажак учрашув ва тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот сўнгида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ТУРИЗМ СОҲАСИНИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ КУЧАЙТИРИЛГАН РЕЖИМИ ТАЛАБЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Туризм соҳасини жадал суръатларда тиклаш ва мамлакатдаги санитария-эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг уни ривожлантиришнинг янги йўналишларини шакллантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6002-сон Фармонига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

а) 2021 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар меҳмонхонага белгиланган тартибда берилган тоифа сақланган тақдирда тегишли йил якунига кўра жойлаштириш воситасининг тоифаси учун ундирилган **туристик (меҳмонхона) йиғим суммасининг 50 фоизи** жойлаштириш воситаларига **қайтарилади;**

б) жойлаштириш воситалари томонидан, шу жумладан, халқаро бронлаштириш майдонларида мувофиқлик белгисидан (юлдузлар) ноқонуний фойдаланганлик ҳолати меҳмонхона хизматларини кўрсатиш учун берилган сертификатнинг амал қилишини қоидабузарликнинг белгиланган тартибда бартараф этилгунига қадар тўхтатиб туриш учун асос бўлиб ҳисобланади;

в) 2020 йил 1 августдан бошлаб:

рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловларни бекор қилишни, шунингдек, хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги "ҳаво эркинлиги"ни тақдим этишни назарда тутувчи **"Очиқ осмон" режими** "Андижон", "Бухоро" ва "Урганч" халқаро аэропортларида **халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жорий этилади;**

хорижий авиакомпаниялар уларнинг тегишли ҳужжатларини текшириш натижаларига кўра Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) учиш хавфсизлиги ва авиация хавфсизлиги бўйича стандартларига мувофиқ бўлиши шарти билан **ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг мавжудлигидан қатъи назар** "Очиқ осмон" режими жорий этилган халқаро аэропортларга доимий қатновларни амалга ошира олади;

мамлакатнинг "Очиқ осмон" режими жорий этилган халқаро аэропортларига қатновларни амалга ошираётган хорижий авиакомпанияларга тариф ва йиғимлар уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпаниялар учун белгиланган миқдорда қўлланилади;

инвесторларнинг **йўловчи ташувчи янги дор йўлларини** ("Чорвоқ" эркин туристик зонаси ҳудудида ташкил этилаётганлардан ташқари) тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда **қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисми** уларни 2023 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топшириш ва узунлиги бир томонга камида 500 метр бўлиш шарти билан ҳар бир 500 метр йўл учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Бюджетдан ташқари жамғарма) ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **1 миллиард сўм миқдорида** қопланади. Белгилансинки, бунда йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича дастлабки 50 та лойиҳага йўналтирилган инвесторлар харажатларининг бир қисми қопланади;

туристик зоналар ва қишлоқ жойлари ҳудудида тегишли стандартларга асосан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қурилиш вазирлигининг **намунавий лойиҳалари бўйича жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар** (ўтовлар, контейнерлар, сендвич панеллар) **билан қуриш учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисми** бундай типдаги жойлаштириш воситаларининг жойлари сони 50 мингтага етгунига ёки 2023 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳар бир жой учун **5 миллион сўмгача миқдорда** қопланади;

Давоми 2-бетда

Сенатор минбари

Маҳмуд ТОИР,
сенатор

## ҲАР БИР МУАММОНИНГ ЕЧИМИГА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ ЛОЗИМ

**Олий Мажлис Сенатининг яқинда видеоконференция тарзида ўтказилган бешинчи ялпи мажлисида иштирок этиб, ҳам сенатор, ҳам ижодкор инсон, қолаверса, шу юрт фарзанди сифатида кўнглимдан баъзи фикрлар ўтди.**

Бир жиҳатдан ифтихор қилсам, иккинчи томондан, зиммамдаги масъулият қанчалар жиддий эканини, эндиликда шунчаки эскича усулда қўл кўтариб, қарорни шунчаки тасдиқлаб депутат сифатида, сенатор сифатида яшаб, ишлаб бўлмаслигини чуқур ҳис қилдим. Бугунги ошкора, тезкор ва шиддатли замон ҳам шуни талаб этмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, заҳматкаш халқимизнинг тинчлиги, бахту саодатини, фаровон турмуш тарзини, айниқса, миллатимиз ёшлари истиқболини ўйлаб юритилаётган оқилона сиёсат дунёнинг кўплаб мамлакатлари ижтимоий-сиёсий жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Давоми 3-бетда

Улуғ сиймолар

## ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИ

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

**Тарих — холис ҳакам, у ҳар қандай давлат арбобининг қадр-қимматини, эл-юрт олдида кўрсатган хизматларини муносиб баҳолайди. Кимлардир вақт ўтишига қарамай, одамлар хотирасидан ўчмайди ва халқ қалбида мангу яшайди. Яна кимларнингдир қисматига эса унутилиш ҳукми битилади.**

Чиндан ҳам, тарих ҳозирги даврнинг аниқ-тиниқ далилларини англашда баъзан қўл келса, баъзида бунинг акси бўлади. Зеро, тарихнинг хотираси барҳаёт. У ўтмишни унутишга йўл қўймайди. Ҳар қандай шахснинг тарихда тутган ўзига яраша ўрни ва аҳамиятига баҳо беришда ўша шахс яшаган муайян давр воқеликларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб этилади. Тарихийлик тамойили ҳам шуни тақозо этади. Бинобарин, **"Инсонни излаган" Диоген бошқа ҳақиқат изловчилардан донороқдир. Негаки, фақат инсонни топибгина ҳақиқатга эришиш мумкин"**, деган эди дунёга машҳур адиб ва атоқли жамоат арбоби Бернар Дадье.

**Яқинда "O'ZBEKISTON" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан россиялик тарихчи ва ёзувчи Фёдор Раззоқовнинг ўзбек ва рус тилларида алоҳида нашр қилинган "Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот" асарида йирик тарихий шахс, буюк давлат арбобининг ҳаёти ва фаолияти ҳикоя қилинади.**

Давоми 5-бетда

## ЭКСПОРТ-КРЕДИТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСПОРТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ СИФАТИДА

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Парламентга Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Экспорт-кредит агентлигини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.**

### ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

### ЭКСПОРТ-КРЕДИТ АГЕНТЛИГИ НИМА?

Экспорт-кредит агентлиги — (ЭКА) экспортни суғурталаш ва молиялаштириш кафолатларини бериш учун давлатлар ва экспортчилар ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи ташкилот.

### ЭКСПОРТ-КРЕДИТ АГЕНТЛИГИ ТАҚДИМ ЭТАДИГАН ХИЗМАТЛАР

Ташқи савдо операцияларини кредитлаш;



Экспорт кредитлари бўйича давлат кафолатларини тақдим этиш;

Экспорт кредитлари ва рискларни суғурталаш;

Ташкилий ва ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.

### ЭКСПОРТ-КРЕДИТ АГЕНТЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТ ШАКЛИ:

ДАВЛАТ | ХУСУСИЙ | АРАЛАШ

### ЭКСПОРТ-КРЕДИТ АГЕНТЛИГИНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ МУДДАТИ:

- ҚИСҚА МУДДАТЛИ 2 ЙИЛГАЧА
- ЎРТА МУДДАТЛИ 2-5 ЙИЛГАЧА
- УЗОҚ МУДДАТЛИ 5-10 ЙИЛГАЧА

Шартнома қиймати 85% дан 100% гача молиялаштирилади.

"Тараққиёт стратегияси" маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

**Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига киритилади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 23 июнь, 113-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТУРИЗМ СОҲАСИНИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ КУЧАЙТИРИЛГАН РЕЖИМИ ТАЛАБЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2020 йил 31 декабрга қадар **"Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED"** ("Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат КАФОЛАТЛАНГАН") тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган, туризм ва ёндош инфратузилма объектларининг бино ва иншоотларида санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари томонидан дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган хўжалик субъектларининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади;

шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида улар туризм инфратузилмасини ривожлантириш қисмида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан мажбурий келишилади;

гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари **ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига** киритилади;

г) 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлга қадар нодавлат (хусусий) музейлар, бадиий галереялар ва ҳунармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олинадиган солиқ ставкалари белгиланган миқдорга нисбатан 50 фоизга камайтирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда туризм соҳаси субъектларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

туристлар учун "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператор томонидан "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизими талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юқтириб олган тақдирда, уларга 3 минг АҚШ доллари миқдорида компенсация тўловларини тўлаб бериш механизмларини жорий қилган ҳолда Хавфсиз туризм жамғармасини ташкил этиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш карантин даврида фақат "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил қилинади.

Белгилансинки:

Хавфсиз туризм жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг 20 миллиард сўм миқдордаги дастлабки тўлови, шунингдек, "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизими доирасида жорий этилаётган ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтиш учун тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўлов ҳисобидан шакллантирилади;

хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи объектларда "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизими мажбурий тартибда жорий этилади;

хорижий туристларга хизмат кўрсатишда "Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизимида белгиланган шарт ва талабларнинг бузилишида айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда 2021 йил 1 январидан бошлаб хорижий фуқаролар учун виза режимини янада либераллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган салмоқли капитал, юқори академик билимлар ёки ўзига хос кўникмаларга эга шахсларни Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилишга жалб этишни назарда тутувчи **"Uzbekistan — my second home"** ("Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим") иммиграция дастурини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

5. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ тузиладиган туристик-рекреацион зоналарини (кейинги ўринларда — туристик зоналар) ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади ва қуйидаги қўшимча вазифаларни амалга оширади:

туристик зоналарнинг самарали бошқарувини ташкил қилиш;

туристик зоналар ҳудудида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инвестициявий шарт-шароитларни яратиш;

туристларнинг мақсадли тоифалари орасида туристик зоналарнинг салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маркетинг ишларини олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири туристик зоналар маъмурий кенгашига раҳбарлик қилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ туризм соҳасидаги давлат активларини сотишдан тушган маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми Бюджетдан ташқари жамғармага туризм инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун йўналтирилади;

г) туристик зоналар ҳудудида жойлашган ва давлатга тегишли бўлган мулкий комплекслар ҳамда ер участкаларини сотишдан тушадиган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

75 фоизи — тегишли туристик зоналар дирекциялари ҳисобига;

25 фоизи — Бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобига;

д) туризм соҳасидаги "стартап" лойиҳалар ва инновацион бизнес ғояларни инкубация ёки акселерация дастурларига қабул қилиш учун номзодларни танлаш бўйича Маслаҳат кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари киритилади.

6. "Чорвоқ" эркин туристик зонаси маъмурий кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда **коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини** тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилда коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш ҳамда мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Бюджетдан ташқари жамғармага камида 10 миллиард сўм маблағ ажратсин;

2020 йил 1 июлгача "Ипак йўли" туризм халқаро университетининг профессор-ўқитувчилар, бошқарув, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун университетнинг ярим йиллик иш ҳақи фонди миқдоридаги маблағларни Бюджетдан ташқари жамғармага ўтказиб берсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Бюджетдан ташқари жамғармага мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни молиялаштириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг асослантирилган талабномасига мувофиқ маблағ ажратилишини таъминласин;

2020 йил 1 октябргача Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда туризм соҳаси субъектлари хизматлари таннархини пасайтириш мақсадида уларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, шунингдек, субсидиялар ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан ташқари туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштириш учун ажратилган салоҳиятли ўрмон фонди ҳудудларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш;

сув омборлари ва ўрмон хўжаликларида туризм турларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг ижросини мониторинг қилиш;

республика кинолокацияларини, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасида қуйидаги лавозимлар жорий этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмаларидаги биттадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳокимнинг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ўрнига тегишлича туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ҳоким ўринбосари лавозими.

Белгилансинки, мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси тақдимномасига асосан белгиланган тартибда тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг битта штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, "Uzbekistan Airports" АЖ ва "Uzbekistan Airways" АЖнинг "Андижон" халқаро аэропортига "Заҳириддин Муҳаммад Бобур" номини бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Транспорт вазирлиги ва "Uzbekistan Airports" АЖ билан биргаликда икки ой муддатда мамлакатнинг ҳудудий халқаро аэропортларига энг яхши номларни аниқлаш бўйича оммавий танловни эълон қилсин ва унинг натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпанияларнинг мурожаатларига кўра уларга парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларга риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро келишувларига мувофиқ тайинланган (шу жумладан, қўшимча тарзда тайинланган) авиакомпания мақомини белгиланган тартибда берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи ягона тизимни яратиш ва жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасини туристик йиғим ҳисобини юритишнинг ягона тизими (кейинги ўринларда — Ягона тизим) билан интеграциялаш;

Давлат солиқ қўмитаси томонидан, шу жумладан, бронлаштириш тизимининг дастурий маҳсулотларини таҳлил қилиш орқали жойлаштириш воситаларининг бандлигини ўрганиш ва туристик йиғимларнинг тўлиқ тушуми устидан камерал назоратни амалга ошириш;

туристик йиғим тўловини қабул қилиш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштириладиган ахборот марказларида Ягона тизимнинг фаолият юритиши;

Ягона тизимни маҳаллий мобиль тўлов дастурлари ва халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш;

Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари маълумотлари базасини маълумотларни узатиш режимида Ягона тизим билан интеграциялаш;

Ягона тизимдан фойдаланган ҳолда, туристик йиғим тўловининг тўланганлигини текшириш орқали хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудида бўлиши ҳамда ундан ўз вақтида чиқиб кетишини назорат қилиш механизмини йўлга қўйиш;

стационар даволаш хизматларини кўрсатувчи даволаш муассасаларини Ягона тизимга улаш бўйича қўшимча лицензия талабларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда икки ой муддатда Ягона тизимни яратишнинг техник топшириғини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, Ягона тизим лойиҳаси давлат органларининг ахборот тизимларига хизмат кўрсатувчи компанияларни жалб қилган ҳолда, Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади.

13. Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида рўйхатга олинган туроператорларга, истисно тариқасида, ушбу ҳудудларда хизмат кўрсатиш учун двигатель ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божини амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида, қолган қисмини олиб кирилган санадан бошлаб 3 йил давомида тўлашга рухсат этилсин.

Белгилансинки, бунда ушбу транспорт воситаларига давлатнинг рўйхатга олиш рақам белгиларининг алоҳида сериялари берилади ва улардан тегишинча фақат Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида фойдаланишга рухсат этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги уч ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

а) Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳудудида туристик зонани яратиш ва ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини:**

янги "Ором қирғоғи" ("Leisure Coast") туристик зонасида сувда дам олиш турлари ва пляж туризмини ривожлантириш;

Айдар-Арнасой кўллар тизимига йўловчиларни ташиш учун темир йўлларни ётқизиш қийматининг дастлабки ҳисоб-китобларини қилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш;

тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

б) Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда **Тўдакўл кўли ҳудудида туристик зонани ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича** сувда дам олиш турлари ва пляж туризмини ривожлантириш, темир йўл станцияларини қуриш мақсадга мувофиқлигини ўрганиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, кўлга йўловчиларни ташиш учун доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини;

в) Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда **Зомин туманида умуммавсумий, қишки ва ёзги дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини.**

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

фуқароларнинг фаол дам олишини ташкил этиш (шаҳарда юриш, терренкур, треккинг ва хайкинг), касалланиш даражасини, шу жумладан, юрак хасталикларини камайтиришни назарда тутувчи **"Пиёда туристик маршрут";**

хорижий мамлакатлар фуқароларига кўрсатиладиган тиббий хизматларни тизимлаштириш ва турларини кенгайтиришни назарда тутувчи **"Uzbekistan — hope and healing land"** ("Ўзбекистон — умидли ва шифобахш замин") тиббий туризм дастурини ривожлантириш;

республиканинг маданий мерос объектлари ҳудудларида белгиланмаган жойларда чиқинди ташлаганлик учун жарималарни ошириш, электр таъминотига "яшил" технологияларни жорий қилиш, чиқиндини утилизация қилиш, сув ресурсларидан унумли фойдаланишни назарда тутувчи **"Clean&Eco".**

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари билан биргаликда 2021 йил 1 январдан бошлаб "Ғиштқўприк" (Тошкент вилояти) ва "Хайратон" (Сурхондарё вилояти) халқаро назорат-ўтказиш пунктларида мавжуд инфратузилма доирасида чегарадан тезкор ўтиш механизмлари — "Fast track" хизматини қуйидагиларнинг ташкил этилишини назарда тутган ҳолда жорий қилсин:

автотранспорт воситаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахсларнинг навбатдан ташқари паспорт ва божхона назорати жараёнларини тезлаштирган тартибда амалга ошириш учун алоҳида йўлак;

жисмоний шахсларнинг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар, шу жумладан, оналар ва болалар хоналари, овқатланиш шохобчалари ҳамда тижорат банклари филиалларини ташкил қилиш ва валюта айирбошлаш учун банкоматлар ўрнатган ҳолда "VIP" заллар.

Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

а) "VIP" залларни қуриш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан қопланади;

б) "Fast track" хизмати пуллик асосда, шу жумладан, чегарани кесиб ўтишдан олдин 90 кун мобайнида олдиндан тўлов қилиш ёки мобиль иловалар орқали тўлаш имкониятини яратган ҳолда амалга оширилади;

в) хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи — Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобига;

20 фоизи — Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳисобига.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро назорат-ўтказиш пунктларида "Fast track" хизматини жорий қилиш, уларнинг ўтказиш оқимини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган график асосида амалга оширилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мамлакатдаги туристик зоналарга автотранспорт воситалари (жамоат ва махсус транспортлар, шунингдек, туристик зоналар ҳудудида яшовчи аҳолининг автотранспорт воситаларидан ташқари) билан кириш учун йиғим ундириш механизмини жорий қилиш бўйича таклифларига розилик берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни тасдиқласин:

хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчаларини, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига грантлар ажратиш;

янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш учун гид ва туроператорларга грантлар ажратиш;

туризм соҳаси субъектларининг фоиз харажатларини субсидиялаш;

жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;

туроператорлар ва турагентларга Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш;

ҳаво ва темир йўл чипталари учун туроператорларнинг харажатларини қисман субсидиялаш;

меҳмонхоналарнинг тоифа олиш ва уни кўтариш учун реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича харажатларини қоплаш;

туризм мақсадида йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларини қоплашга маблағ ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юқтириб олган тақдирда, уларга компенсация тўловларини тўлаб бериш;

"Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизими доирасида ихтиёрий сертификатлаш, шунингдек, сертификатлаш учун тўловларни амалга ошириш;

"Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED" тизимининг хавфсиз объектлари реестрини юритиш;

б) бир ой муддатда туризм ҳудудларига транспорт воситалари билан кириш учун йиғим ундириш тартиби тўғрисидаги низомни йиғимни ундиришнинг аниқ механизмлари ва миқдорларини, шунингдек, йиғимни тегишли туристик зона Дирекциясига йўналтиришни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қуйидаги таклифларни киритсин:

ов қилиш ҳуқуқига доир рухсатнома берганлик учун давлат божи миқдорини ошириш;

ов қуролини ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек, тиғли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш учун тўланадиган йиғим миқдорини ошириш.

19. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

коронавирус пандемиясининг туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилишини инобатга олган ҳолда ва хавфсиз туризмни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиб, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари тузилмасига умумий белгиланган штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритсин;

келажакда инқироз ҳолатларини прогноз қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган вазиятнинг ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек, уларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича олдини олиш чораларини амалга ошириш мақсадида ҳар ойда юзага келган пандемия билан боғлиқ вазиятни комплекс таҳлил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

21. Вазирлик ва идоралар икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

22. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 июнь

**Иккинчи муаммо – ҳозирги кунда 7000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Намданак қишлоғида битта умумтаълим мактаби мавжуд. 620 ўринга мўлжалланган бу ўқув даргоҳида 1 256 нафар ўқувчи таълим олмоқда.**



Сенатор минбари

# ҲАР БИР МУАММОНИНГ ЕЧИМИГА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ ЛОЗИМ

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, юртимизда сўнгги уч йилда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар натижасида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти кескин ўзгарди, уларнинг масъулияти ортди. Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлиса 2018 йил 28 декабрдаги Мурожаатномасида ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида парламент ҳамда маҳаллий кенгашларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Ана шу вазифалар Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларда ўз ифодасини топди, дея комил ишонч билан айта оламан. Сенат аъзолари томонидан 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Фикримни, аввало, Сенат ялпи мажлисини ўтказишга қаратилган бир янгиликдан бошласам. Одатда, қонунлар борасидаги маърузани ялпи йиғилишга Сенат қўмиталари раислари тақдим этарди. Бешинчи ялпи мажлисда эса аксарият қонунларни кўрилаётган масала моҳиятини биладиган вилоятлардаги фаол сенаторлар олиб чиқишди. Шунингдек, йиғилишга халқ депутатлари вилоят кенгашлари доимий комиссиялари раислари таклиф этилди. Мақсад қабул қилинаётган қонунлар ҳаётийлигини таъминлашда маҳаллий кенгашлар депутатларининг фаол иштирокига эришиш ва бу йўл билан кенг халқ оммасини қонунларнинг мазмун-моҳиятидан бохабар қилиш, пировардида қонун устуворлиги таъминланган жамият барпо этишдан иборат.

Таъкидлаш зарурки, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллий кенгашлар депутатлари фаоллиги алоҳида ўрин тутади. Бу, ўз навбатида, ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда, шунингдек, аҳолининг ижро ҳокимияти органларига ишончи ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пандемия шароитида ҳам барча соҳаларда ислоҳотлар давомийлиги таъминланмоқда. Асосий эътибор аҳолини, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилмоқда. Шунингдек, модернизация қилиш жараёнлари, республика ҳамда унинг минтақалари иқтисодиёти, туризм, фан ва технологиялар соҳаларидаги ислоҳотлар сенаторлар ва маҳаллий кенгашлар депутатларидан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий билимдонликни, тийрак назар ва ҳушёрликни талаб этмоқда.

**Пандемия шароитида ўзини ўзи банд қилган шахслар тоифаси 16 тадан 67 га кўпайтирилди. Яъни 67 соҳанинг эгалари солиқдан озод этилди. Янги-янги иш ўринлари яратишга имкон яратилди.**

Шу боис ҳам пандемияни жиловлаш ва мураккаб шароитда иқтисодиётни таназзулдан асраш борасида олиб борилаётган амалий ишлар БМТ ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эътироф этилмоқда. Натижада Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг индексларидаги нуфузи ортиб бормоқда. Аммо ривожланган мамлакатлар даражасида қаралса, ҳали бу борада қилинадиган ишларимиз кўп.

Ялпи мажлисда ҳудудлардаги сенаторлар шаънига жиддий танқидий фикрлар билдирилди. Чунки Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи томонидан вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни комплекс ўрганиш бу борада йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликларни аниқ кўрсатди.

Ҳудудларда ечимини кутаётган муаммолар кўп. Аммо сенаторлар ўзлари яшаётган жойлардаги камчиликларни билмайди ёки билса ҳам уларга беэътибор қарашади. Муаммоларни ишчи гуруҳлар келиб, излаб топяпти. Аслида-чи, ҳудудлардаги сенаторлар ишчи гуруҳ олдига ўз ҳудудидаги муаммоларни кўндаланг қўйиши зарур. Уларнинг ечими учун жон қуйдириши, амалий таклифлар билан чиқиши, сенаторлик сўрови билан тегишли ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилишлари керак эмасми?!

Ахир, ҳар бир сенатор юксак лавозим ва ваколат соҳиби, халқимиз назаридаги, меҳнатлари давлатимиз томонидан эътироф этилган, тақдирланган, одамлар ҳавас билан боқадиган обрў-эътибор топган инсонлар. Шу боис, бизга фақат кузатувчи эмас, курашчан, қўйилган муаммони амалий ечимини топа оладиган сенаторлар керак, дейилди йиғилишда.

Шунинг учун ҳам Сенатнинг ишчи гуруҳи томонидан вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни комплекс ўрганиш давомида йўл қўйилган камчиликларни атрофлича танқид қилиш билан бирга, уларнинг ечимини топишга амалий ёрдам кўрсатиляпти. Нафақат сенаторлар, вилоят кенгашлари депутатлари амалий-услубий ёрдам кўрсатиш учун туман ва шаҳар кенгашларига бириктирилди. Улар ҳар ойда жойларга чиқиб аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда.

**Шу ўринда менга бириктирилган Бўстонлиқ, Паркент, Юқоричирчиқ, Оҳангарон туманлари ва Чирчиқ, Оҳангарон шаҳри депутатлари учун тегишли мутахассислар, олимларни таклиф этиб ўтказилган ўқув машғулотлари ўз амалий натижаларини кўрсатганини айтиб ўтмоқчиман.**

Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида секторлар ва ижро органлари раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш бўйича вилоятнинг Паркент, Оҳангарон, Чиноз туманлари ва Олмалиқ шаҳрида бўлишди. Йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди. Республика миқёсида ҳал этиладиган муаммоли масалалар аниқланди.

Ўрни келганда Паркент тумани мисолида тезроқ ечим топиши шарт бўлган иккита муаммоли масалани айтиб ўтмоқчиман. Биринчидан, Паркент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ бўлими биноси инфратузилмалари бугунги кун талабларига санитария ва гигиена нуқтаи назаридан мутлақо жавоб бермайди. Муаммо шундаки, бу иншоот марказий шифохонадан 14 километр узоқда жойлашгани боис шошилинч ҳолатларда қон ва қон препаратлари етказиш, зарур мутахассислар ҳамда тиббий асбоб-ускуналарни олиб келиш жуда мушкул. Туман тоғли ҳудуд бўлгани сабабли шошилинч ҳолатларда ҳомиладор аёлларни туғруқ бўлимига етказиб келиш ҳам мураккаб. Шу боис, мазкур муаммони бартараф этиш учун марказий шифохона ҳудудида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган, янги 125 ўринли бино қуриш ва бўлимни кўчириш керак. Бу, аввало, туман аҳолисининг қатъий талаби.

Иккинчи муаммо – ҳозирги кунда 7000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Намданак қишлоғида битта умумтаълим мактаби мавжуд. 620 ўринга мўлжалланган бу ўқув даргоҳида 1 256 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Навбатлилик коэффициенти иккидан юқори. Бундан ташқари, 335 нафардан зиёд ўқувчи 4-5 километр масофадан мактабга қатнашади. Табиийки, бу ўқувчи ва ўқитувчиларга жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мазкур муаммони бартараф этиш учун давлат дастури доирасида янги 385 ўринли мактаб қурилса, Намданак қишлоғида 1 300 нафар ўқувчини 2 та умумтаълим мактабида 1.3 коэффициентда ва 340 нафар ўқувчининг яқин масофадан қатнаб таълим олишига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларни ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида ҳудудлар манфаатидан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш биз – сенаторлар ва маҳаллий кенгашлар депутатлари зиммасига жиддий вазифалар юклайди. Биз эса бунинг уддасидан чиқамиз, албатта.

Ободлик кўнгилдан бошланади

# ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТ ҚИЁФАСИ

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Ерга қадалган ниҳоллар йиллар ўтиб кўркам дарахтларга, боғроғларга айланади. Равон ва текис йўллар, кўприклар, янги ва муҳташам иншоотлар юрт кўркига кўрк қўшади. Манзиллар, маҳаллалар саришталиги кўнгилларга ойдинлик бағишлайди. Аслида буларнинг барчаси одамзоднинг ободликка интилиши меваси.**

Бундай интилиш эса кишининг яшаётган хонадони, маҳалласи остонасидан бошланади. Қаерда саранжом-саришталик, тозалик ва ободликка эътибор берилса, ўша ерда файзу барака бўлади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонларини амалиётга жорий этиш, маҳаллаларни обод ва файзли масканларга айлантириш мақсадида кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!" шиори остида янгиланаётган хонадонлар, маҳаллалар, кўчалар, гузарлар, умуман, юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар кишилар қалбида ҳам бунёдкорлик, ободлик руҳини уйғотмоқда. Одамларнинг дунёқараши ўзгариб, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда.

— Эрта саҳарда туриб, кўча-ҳовлиларимизни супуриб-сидириш, ён-атрофга сув сепиш, турли гуллар экиш қайси хонадонга чирой бағишламайди, дейсиз, — дейди Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Соҳилобод маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи отахон Муслимхўжа Қосимов. — Бу борада маҳалла аҳлига маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, яратувчанлик ғояларига ундашда кўпни кўрган оқсоқолларнинг ўрни бўлакча.

Ана шундай фаоллар билан маҳалламизнинг ҳар бир хонадонида бўлиб, уларнинг шарт-шароитлари, орзу-ўйлари билан танишишни канда қилмаяпмиз. Маҳалламизда 2 260 киши истиқомат қилади. Кўчаларни асфальт қилиш, ариқ-зовурларни тозалаш, дарахтларни тартибга келтириш ишларида ёшу қари ҳамжиҳатлик билан ишламоқда.

Яқинда Муслимхўжа ота барчага намуна бўлиб, ўзига қарашли бинодан 4 хонасини маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобига ўтказиб берди.

— Ўзим туғилиб ўсган маҳаллага хайр-саховат кўрсатиш, уни обод ва фаровон кўриш орзусида эдим. Бугун ана шу ниятларимни юзага чиқарганимдан бахтиёрман, — дейди отахон.

Бу хайрли иш, ўз навбатида, маҳалланинг фаолият самарадорлиги ошиши, жиноятдан холи ҳудудга айланиши, ёшларда ватанпарварлик, юрт осойишталиги ва ободлигига дахлдорлик ҳиссининг шаклланишига хизмат қилади.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги "Гулобод" маҳалласида яшовчи Камолиддин Жамилов ва турмуш ўртоғи Бибимарзия Жамилова ҳаж зиёратига бориш мақсадида йиққан нафақа пулига 70 миллион сўмлик янги замонавий трансформатор харид қилиб, маҳаллага ўрнатди.

Мҳалладаги трансформатор 1964 йилда ўрнатилган бўлиб, тез-тез бузилиб турган. Қиш мавсумида электр энергиясига бўлган талаб ортганидан бир неча кунлар бузилиб қолган ҳолатлар ҳам кузатилган.

— Осуда ва фаровон турмуш тарзини ўзимиз, ўз меҳнатимиз натижасида бунёд этсак, ҳар биримиз маҳалламиз, кўча ва хонадонларимизнинг саранжом ҳамда файзли бўлиши учун ҳисса қўшсак, бу гўшалар чинакам обод масканларга айланади, — дейди Камолиддин Жамилов.

Айтиш мумкинки, аждодларимизнинг асрий турмуш тарзида ўз яшаш жойини саранжом-саришта сақлаш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини мунтазам амалга ошириш бебаҳо қадрият ҳисоблаб келинган.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб "Обод маҳалла — обод кўча — обод хонадон" тамойили асосида олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ташаббуслари ана шу гўзал анъаналарнинг узвий давомидир. Муҳими, жойлардаги бу каби хайрли ишларда муносиб иштирок этиш мақсадида ватандошларимиз ўзи яшайдиган хонадон, маҳалла ва кўчаларни ободонлаштиришда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг яқинда туманимизга ташрифидан бошимиз кўкка етди, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Олмазор тумани бўлими раиси Мирзиё Мирпўлатов. — Қичқириқ канали бўйида маданият ва истироҳат боғи барпо этиш, унда Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, нуронийлар маскани, чойхона ва аския маркази ташкил этиш, яқин жойда поликлиника қуриш юзасидан берган кўрсатмалари биз, туман аҳлини эртанги кунга янада ишонч билан қарашга ундади. Қуриладиган бу гўзал масканлар туманимиз кўркига кўрк қўшиб, уни энг обод масканлардан бирига айлантиради.

Туманда томорқадан унумли фойдаланиш, спорт билан шуғулланиш ҳамда ёшларга касб-ҳунар ва илм ўргатишда барчага ўрнак бўлаётган нуронийлар кўп. Умид маҳалласида истиқомат қилаётган Раъно Одилова хонадонида бўлган киши бу оиладаги саранжом-саришталик, замонавий ҳамда режали тарзда шинам қилиб қурилган уйдаги озодаликдан кўнгил яйрайди. Раъно опа бой ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, маҳалла аҳлига озодалик ва ободлик борасида намуна кўрсатиб келмоқда.

— Ҳар ким ўз уйи атрофини тоза тутса, бутун шаҳар покиза бўлади, — дейди Раъно Одилова. — Ҳақиқатан ҳам, бир ҳудуд тоза ва озода сақланса, дарахтларга шакл берилиб, танаси оқланса, чиройли гуллар экилиб, саранжом-саришта тутилса, бўш жойларга мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилса, юртимизда обод ва гўзал масканга айланмаган жой қолмайди.

Ободлик ва бунёдкорлик ташаббуслари бугун юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" тамойилларини амалиётга жорий этиш, ҳар бир оилада турмуш маданиятини мустаҳкамлаш, хонадон ва кўчаларни обод қилиш бўйича муҳим вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан юртимизнинг барча маҳаллаларида хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркам қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани фикримизнинг далилидир.

Айни пайтда юртимизнинг турли ҳудудларида 96 минг 531 туп манзарали дарахтга шакл берилди ва оқланди. 554 та қабристон, 113 та қадамжо ва зиёратгоҳ, 273 та болалар ўйингоҳи ва спорт майдончаси, 837 та ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш объекти ободонлаштирилди. 921 та чиқиндихона тартибга келтирилди. 314 та кўп қаватли уйда таъмирлаш, оқлаш, бўяш ишлари олиб борилди. Кўп қаватли бир минг иккита уйнинг йўлаклари ва уйга туташ ер майдони тозаланди.

Амалга оширилаётган ободлик ва бунёдкорлик ишлари юрт истиқболи, эл манфаатига хизмат қилишдек эзгу мақсадни ўзида мужассам этган. "Ободлик кўнгилдан бошланади", дейди доно халқимиз. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати юксалиб, юртимиз қиёфаси тобора чирой очиб бораётгани кўнгиллар ободлигидан дарак беради.

Аграр соҳа

# ЎЗБЕК ҚОВУН-ТАРВУЗЛАРИ

## Россия ва Польша бозорларида

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

**Музработ туманининг "Янгиобод" сувдан фойдаланувчилар уюшмасига қарашли "Обод турмуш" маҳалласи ҳудудидаги далаларда "Diplomat trading export agrofirma" масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари икки йилдан бери эртаги қовун ва тарвуз етиштиряпти.**

65 ёшли тадбиркор Файзулла Мажидов раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари ўтган йили тажриба учун 7 гектар майдонда қовун, 16,5 гектар далада эса картошка, карам ва бошқа турдаги сабзавотлар етиштириб, Туркия, Россия, Беларусь, Қозоғистонга экспорт қилишганди. Бундан ташқари, аҳоли ва фермер хўжаликларидан ерёнғоқ, узум, дуккакли маҳсулотлар, қуруқ мева харид қилиб, жами бир миллион 522 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг маҳсулотни хорижга сотишганди.

Довондан ошган чўққини кўзлайди, дейдилар. Тадбиркорлар жорий йилда Миллий банкдан олинган 150 миллион сўм кредит ва шунча миқдордаги ўз сармоялари ҳисобига полиз экинлари етиштиришга киришдилар. Аввалига иссиқхона ташкил этиб, бу жойда қовуннинг "Бакинка", "Валет", тарвузнинг "Долби", "Холлер" навлари уруғини экиб, кўчат тайёрлашди. Иссиқхонадаги кўчатлар ёй усулида плёнка ёпилган 23,5 гектар майдонга кўчириб ўтказилди. Плёнка остида эртаги қовун-тарвуз етиштириш ҳадисини олган жамият иш юритувчиси Ғофур Комилжонов, Рустам Кўчқоров, Зиёвуддин Абдуллаев сингари ишбилармонлар "Обод турмуш" маҳалласидан ишга қабул қилинган 90 нафар ўғил-қизга бош-қош бўлиб, полизда астойдил ишлашди. Ўз вақтида озиқлантирилиб суғорилган, зараркунандаларга қарши курашилган полизда қовун-тарвуз эрта пишиб етилди. Корхона маҳсулот пишгунича бу ерда санитария талаблари асосида меҳнат қилган қишлоқ ёшларига 98 миллион сўм иш ҳақи тўлади.

Айни пайтда корхона жамоаси пишган қовун-тарвузни Россия ва Польша давлатларига экспорт қилиш учун пешма-пеш картон қутиларга жойлаштириб, совутгичли машиналарга юкламоқда. Бир ҳафта орасида умумий қиймати 170 минг АҚШ долларига тенг 21 тонна тарвуз, 65 тонна қовун экспорт қилинди.

— Бу мавсум ҳосилимиз анча баракали. Етиштирган қовун-тарвузимиз узоқ масофага олиб юришга мос ва сифатли. Август ойигача ҳар гектар майдондан 15 тоннадан қовун, 25 тоннадан тарвуз экспорт қилинади ва даромадимиз ўтган йилга нисбатан икки баравар ортади, — дейди МЧЖ директори Файзулла Мажидов ҳар бири 5-7 килограмм тош босадиган тарвузларни кўрсатиб. — Биз зироат ўстирган дала яқингача Янгиобод қишлоқ ва ўрмон хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқув ишлаб чиқариш участкаси тасарруфида бўлган, узоқ вақт самарали фойдаланилмаган. Тошкент вилоятидан таклиф қилинган ишбилармон йигитлар билан Музработ туманига келиб, ниятимизни билдириб ер сўраганимизда туман ҳокими айнан шу жойни обод қилишимизни тавсия этди. Анчадан бери тузукроқ ишлов кўрмаган, қиёқ, ажриқ, ғумай, қамиш эгаллаган, дренаж тизими издан чиққан ерни шўр босиб ётарди. Ушбу заминни экин ўстирадиган ҳолатга келтириш учун шахсан ҳокимнинг ўзи бизга кўмаклашди. Экскаватор ва бульдозерлар жалб этилиб, ариқ-зовурлар лойқадан тозаланди. Ер обдон текисланиб, сифатли шудгор қилинди, маҳаллий ва маданий ўғитлар солинди. Шундан кейин экин-тикин қилишга киришдик.

Дарвоқе, инсоннинг қўли гул деганлари рост. Тадбиркорлар бу жойда полиз экинлари етиштириб, қишлоқдаги ишсиз ёшлардан 30 нафарининг доимий бандлигини таъминлади. Бундан ташқари, февраль ойидан то октябргача 80-90 нафар киши мавсумий ишларга жалб қилинади. Асосийси, қаровсиз ётган ер тадбиркорлар ташаббуси билан аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга ва воҳа экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиляпти.

— Узоғи билан июль ойи охиригача қовун-тарвуз сотиб бўлинади, — дейди Файзулла ака. — Бўшаган ерни маҳаллий ўғитга тўйинтириб, ҳамкорларимизнинг буюртмасига асосан плёнка остига карам, гулкарам, брокколи ва хўраки лавлаги (қизилча) етиштиришга киришамиз. Ноябрь-январь ойлари давомида меҳнат қилиб, февраль ойида эртаги сабзавот маҳсулотларини экспортга жўнатамиз.

Айтиш керакки, "Diplomat trading export agrofirma" МЧЖ ўз тасарруфидаги заминда турфа маҳсулотлар етиштириш билан бир қаторда деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва фермер хўжаликларидан ҳам ерёнғоқ, мош, тариқ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиб, экспортга жўнатмоқда.

**Жорий йилда ўтказилиши аввалдан белгиланган 3 та мажбурий фан — она тили (ўзбек, рус, қорақалпоқ тиллари), математика, Ўзбекистон тарихи фанларидан тест синови ўтказилмайди. Фақат танланган таълим йўналишига мос 2 та мутахассислик фанидан тест бўлиши белгиланди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 23 июнь, 113-сон

## Янги Ўзбекистон халқаро экспертлар нигоҳида

# ЛЕЙДЕН УНИВЕРСИТЕТИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ НОЁБ АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИ САҚЛАНМОҚДА

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети вакиллари билан Нидерландиянинг Лейден университети докторанти, туркий тиллар бўйича мутахассис Н.Контовас ўртасида видеоконференция шаклида учрашув бўлиб ўтди.**



Ўзбекистон Республикасининг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси кўмагида ташкил қилинган тадбирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Шарқ тиллари кафедраси профессор-ўқитувчилари, олим ва тадқиқотчилар иштирок этди.

Тадбир ўзбек тилида ўтказилди. Унда Н.Контовас сўз олиб, сўнгги йилларда АҚШ ва Туркиядаги олий ўқув юртларда туркий тилларни тадқиқ қилиш борасида олиб борилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Н.Контовас айни пайтда Нидерландиянинг Лейден университетида докторантура босқичида таҳсил олиб, "Туркий тиллар феъл тизимларининг бир-бирига таъсири натижасида содир бўладиган ўзгаришлар" мавзуида тадқиқот олиб бормоқда.

Тадқиқотчига кўра, у фаолияти давомида Ўзбекистонда нашр этилган илмий манбалардан кенг фойдаланиб келмоқда.

"Илмий ишим мавзуси ҳозирги Ўзбекистон ва унинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлгани боис изланишларимнинг муайян қисмини юртингизда амалга ошириш ва у ердаги кутубхоналарнинг бой манбаларидан фойдаланишни режалаштирганман", – дейди нидерландиялик олим.

Н.Контовас 2018 йилда мамлакатимизда уч ой мобайнида яшаб, илмий фаолият билан шуғулланган. Шу муддатда у ўзбек ва форс тилларининг замонавий ривожланиши ва уларнинг ўзаро таъсирини ўрганди.

Учрашувда, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан Н.Контовас ўртасида илмий ҳамкорликни ўрнатиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз вакиллари нидерландиялик олимани жорий йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган "Маданиятлараро мулоқотда Шарқ тилларининг аҳамияти" мавзуидаги халқаро илмий конференцияга таклиф қилди.

Бундан ташқари, вебинарда замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари, жумладан, Шарқ тилларини ўрганиш ва тарғиб қилиш, қадимий қўлёзмалардан фойдаланиш, Шарқ тилларининг ўзаро таъсири ва бошқа шу каби масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонлик ва нидерландиялик олимлар мазкур йўналишларда эришган ютуқ, соҳа ривожида турган муаммоларга ечим топиш бўйича ҳам ўз қарашлари билан ўртоқлашди.

Онлайн учрашувда Н.Контовасга Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талаба ҳамда тадқиқотчилари учун маърузалар ўқиш таклифи билдирилди.

Ўз навбатида, нидерландиялик олима мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлади. Н.Контовас ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчиларнинг Лейден университети талабалари учун маърузалар ўқишини ташкил қилишларига кўмак беришга тайёрлигини маълум қилди.

Н.Контоваснинг таъкидлашича, Лейден университети кутубхонасида туркий тилларда ижод қилган Шарқ мутафаккирларининг ноёб асарлари жамланган, Европадаги энг йирик тўпламлардан бири сақланмоқда. Томонлар кутубхоналарда сақланаётган нодир асарларни ўрганиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Европа кутубхоналарида сақланаётган бу каби қадимий қўлёзмалар соҳа олимлари томонидан алоҳида қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Видеоконференция якунида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш, Шарқ тилларини ўрганиш соҳасида фаолият юритаётган олимларнинг илмий изланишларини биргаликда ташкил этишга кўмаклашишга келишиб олинди.

**"Дунё" АА,**
**Брюссель**

## Абитуриент–2020

Муаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

# ТЕСТ СИНОВЛАРИ: ТАЛАБ, ТАРТИБ ВА ЎЗГАРИШЛАР

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Бу йил мамлакатимизда коронавирус пандемияси боис жорий этилган чекловлар барча соҳалар каби таълим, хусусан, абитуриентларнинг ўқишга кириш учун тайёргарлик жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Президентимиз томонидан шу йил 30 апрель куни ўтказилган йиғилишда тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар, Давлат тест марказига битирув ва кириш имтиҳонларини соддалаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, абитуриентларни қўллаб-қувватлаш, тест топширишдаги мавжуд тартибларни соддалаштириш бўйича топшириқлар берилганди.**

Мазкур топшириқлар юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кириш тест синовлари жараёнини соддалаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Миллий матбуот марказида Давлат тест маркази томонидан ўтказилган брифингда ана шу вазифалар ижроси, жумладан, олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларини пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, қўйилаётган талаблар, ўзгаришлар хусусида сўз юритилди.

Жорий ўқув йилида барча олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовлари 1 августдан бошланади. Бу жараёнда жорий этилган карантин чекловларининг 1 августга қадар чўзилгани ҳисобга олинди. Бироқ бу айни пайтдаги шароитнинг қандай ва қанча муддат давом этишига боғлиқ. Агар карантин чекловлари муддати чўзилса, имтиҳон санасида ҳам ўзгариш кузатилиши мумкин.

### ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ЎТАДИ?

Тест синовлари ўтказиладиган 64 та бинони жараёнга тайёрлаш ишлари тугатилмоқда. Бу йил тест синовлари ўтказиладиган биноларда кўпи билан 750 тагача ўрин тайёрланади. Ҳар бир абитуриент учун камида 3 квадрат метр жой ажратилади. Санитария-гигиена талабларига биноан, уларнинг тиббий ниқоб ва қўлқоп кийиб тестда иштирок этиши таъминланади. Абитуриентнинг тана ҳарорати ўлчаниб, дезинфекция туннелидан ўтказилгач, ҳудуд ёки бинога киритилади. Бинолар бир кунда камида тўрт маротаба дезинфекция қилинади. Буларнинг барчаси тест топширувчилар, гуруҳ назоратчилари ва жараёнга жалб этилган бошқа шахсларнинг саломатлигини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

### БУ ЙИЛГИ ГУРУҲ НАЗОРАТЧИЛАРИ КИМЛАР?

Тест синовлари жараёнига 5 минг 300 нафар гуруҳ назоратчисини жалб этиш режалаштирилган. Бугунги кун ҳолатига кўра, гуруҳ назоратчилигига 5 минг 403 нафар номзод рўйхати шакллантирилиб, Давлат тест марказининг STAFF маълумотлар базасига киритилди. Улардан 1 минг 956 нафари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, 3 минг 447 нафари умумий ўрта таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларидир.

Жорий йил 2–5 июнь кунлари гуруҳ назоратчилигига номзодлар учун масофавий ўқув семинарлари бошланиб, биринчи босқичи якунланди.

### ҲУЖЖАТЛАР ҚАНДАЙ ТОПШИРИЛМОҚДА?

Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш ўтган йили Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан амалга оширилган эди. Жорий йилда ҳужжатлар қабули шулар ва Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали ҳам онлайн режимда амалга ошириляпти.

Давлат тест маркази расмий веб-сайти орқали онлайн режимда абитуриент мобил телефони ёки компьютери ёрдамида уйдан чиқмаган ҳолда рўйхатдан ўтиши мумкин. Бу тизим бугунги кунда абитуриентларнинг кўникма ҳосил қилишлари, машқ қилиб туришлари учун очилган, тест режимида ишламоқда. Ушбу abitur.dtm.uz дастури билан ишлаш, рўйхатдан ўтиш тартиби бўйича йўриқнома ДТМ сайти, телеграм каналлари ва ижтимоий тармоқ саҳифаларида жойлаштирилган.

### ТЕСТ ҚАЙСИ ФАНЛАРДАН ЎТКАЗИЛАДИ?

Бугунги пандемия шароитини ҳисобга олиб, 2020/2021 ўқув йили учун истисно тариқасида бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синови топшириладиган фанлар қисқарди. Жорий йилда ўтказилиши аввалдан белгиланган 3 та мажбурий фан — она тили (ўзбек, рус, қорақалпоқ тиллари), математика, Ўзбекистон тарихи фанларидан тест синови ўтказилмайди. Фақат танланган таълим йўналишига мос 2 та мутахассислик фанидан тест бўлиши белгиланди.

Мутахассислик фанлари рўйхати 2019 йили декабрь ойида белгиланган тартибда тасдиқланиб, кенг жамоатчиликка Давлат тест марказининг dtm.uz расмий сайтида эълон қилинган эди. Абитуриентлар улар рўйхати билан шу сайтда батафсил танишишлари мумкин.

### ТОПШИРИҚЛАР СОДДАЛАШТИРИЛДИМИ?

Тест синови топширилиши кўзда тутилаётган иккита мутахассислик фанининг ҳар бирида 30 тадан — жами 60 та тест топшириғи берилади. Топшириқлар соддалаштирилади, деганда олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул имтиҳонларида фақат содда тестлардан фойдаланилади, деб тушунмаслик керак.

Умумтаълим фанларидан тест топшириқлари 3 та мураккаблик даражасида шакллантирилади. Бу ўринда биринчи мураккаблик даражасидаги тест топшириқлари ишланиши, бажарилиши бўйича энг осон саволлар ҳисобланади.

Аввалги йилларда ўтказилган тест синовларида фанлардан 6 тагача биринчи қийинлик даражасидаги тест топшириқлари берилган бўлса, жорий йилда ҳар бир вариантда қўлланадиган биринчи қийинлик даражасидаги тест топшириқлари сони ўртача 9-10 тагача етказилмоқда.

### МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ҚАЕРДА ТАНИШИШ МУМКИН?

Энг аввало, бундай маълумотларни Давлат тест марказининг расмий dtm.uz веб-сайтидан олиш мумкин. Расмий телеграм каналларда ҳам барча маълумотлар мавжуд.

Абитуриентлар учун мавзули роликлар ишлаб чиқилмоқда. Улар телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали намойиш этиб борилади ҳамда тест синовлари билан боғлиқ барча жараёнлар батафсил ёритилади.

Шунингдек, тест синови ўтказиладиган ҳар бир фан бўйича тест топшириқлари китобларидаги саволларни ечишга оид роликлар "Онлайн репетитор" лойиҳаси доирасида тайёрланган кўрсатувларда ҳам намойиш этиб борилади. Мазкур лойиҳани тайёрлаш ишлари якунланмоқда.

Ўзбек ва рус тилларида тайёрланган "Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали рўйхатдан ўтиш бўйича қўлланма", "Жавоблар варақаси билан ишлаш бўйича қўлланма" ва "Абитуриентлар учун йўриқнома" номли видеороликларда ҳамда "Онлайн репетитор" кўрсатувларида акс эттирилган маълумотларнинг абитуриентлар, уларнинг ота-оналари учун долзарб ва муҳим экани ҳисобга олинган.

## Иқтисодий таҳлил

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

Азизжон ҚАҲҲОРОВ,
Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи ўринбосари

**Бугунги кунда иқтисодиётимизни трансформация қилиш ва давлат корхоналарини самарали ишлайдиган корхоналарга айлантиришнинг асосий воситаларидан бири хусусийлаштиришдир. Бу ҳозирги даврда иқтисодий сиёсатимиз учун ҳам устувор йўналиш ҳисобланади. Лекин хусусийлаштиришни чуқурлаштиришга бўлган истак ва режаларимиз ҳар доим осонгина амалга ошмайди. Тан олиш керак, соҳада жуда эскирган ва ўта бюрократик тартиботларга ҳамон амал қилинмоқда.**

Олдимиздаги вазифа, биринчидан, хусусий мулк шаклининг устунлиги ва самарали эканлигини эътироф этган ҳолда давлат корхона ва активларини инвесторларга, салоҳиятли ва самарали мулкдорларга бериш, иккинчидан, бу жараёнларни максимал даражада шаффоф ва хорижий инвесторлар учун тушунарли бўлган услубда амалга оширишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 июндаги "Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан Давлат активларини бошқариш агентлиги муассислигида "UzAssets" инвестиция компанияси ташкил этилди.

Мақсад давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини халқаро амалиётда кенг қўлланадиган мезонлар асосида таҳлил қилиш билан инвестициявий жозибадорлигини таъминлаган ҳолда салоҳиятли инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштиришнинг муваффақиятли натижаларини таъминлашдир. Унинг учун эса дастлаб корхоналар фаолиятини комплекс таҳлил қилиш (due diligence), жумладан, инвестициявий жиҳатдан ҳамда унинг даромадлилик нормасини халқаро амалиётдаги мезонлар (IRR, NPV, EBITDA ва бошқалар) асосида таҳлил қилиш, "бенчмаркинг" орқали ривожланиш прогноз кўрсаткичларини белгилаш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, устав капиталига берилган акция пакетларини (улушларини) самарали бошқариш, корхоналарни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош субъектларга айлантириш орқали уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш ва салоҳиятли инвесторларга сотиш янги инвестицион компаниянинг асосий фаолияти ҳисобланади.

"UzAssets" инвестиция компаниясига иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб йирик субъектлар ҳисобланган "Кварц", "Қизилқумцемент", "Урганч шароб", "Ўзбекистон шампани", "Денов вино ароқ", "Кафолат суғурта компанияси", "Олмазор кичик саноат зонаси" акциядорлик жамиятлари, "Ўзгеорангмет ЛИТИ" ва "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" давлат унитар корхоналари берилмоқда. Бунда, айтиш мумкинки, янги инвестицион компания хусусийлаштириш бўйича ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайди.

Келгусида хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишнинг ижобий натижаларига қараб бундай корхоналар сони ошириб борилади. Шунингдек, инвесторларнинг қизиқиши ва жаҳон ҳамда минтақа бозорида умумий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан, мазкур инвестиция компаниясига қўшимча активлар ҳам берилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, инвестиция компанияси устав капиталига берилган корхоналар халқимиз орасида анча машҳур, ном чиқарган, республика ва минтақа бозорида ўз ўрнига эга. Лекин бу уларни ҳеч қандай тайёргарликсиз, ўз ҳолича сотиш мумкин, дейишга асос бўла олмайди. Инвесторлар кўзи билан қараганда вазиятга бошқача баҳо бериш мумкин. Иқтисодий вазият, айниқса, юқорида санаб ўтилган корхоналар тармоқларида жуда тез суръатларда ўзгармоқда. Бугунги пандемия шароитида инвесторларнинг йирик инвестициялардан тийилиб туришини ҳам инобатга оладиган бўлсак, мазкур корхоналарни сотиш жараёни алоҳида ёндашув, чуқур таҳлилларни талаб этишини кўриш мумкин. Корхоналарни муваффақиятли тарзда сотиш натижаси кафолатланмаган ва унга жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Бу борада муваффақиятнинг энг асосий омили тўғри бошқарувни ташкил этиш, компания ижро органига илғор ва замонавий фикрлайдиган, активларни сотиш соҳасида тажрибага эга бўлган, хорижий инвесторларнинг "тилини тушунадиган" раҳбарларни жалб этишга боғлиқ. Ижро органи ва кузатув кенгаши ўзаро уйғунликда ишлаши лозим. Корхоналарни сотиш муддати ва шакли тўғрисида кузатув кенгашининг пухта ўйланган ва асосланган қарорларини қабул қилиш керак бўлади.

Корхоналарни инвестициявий жозибадорлигини ошириш жуда мураккаб жараён. Бу компания фаолияти ижро органи ва кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган чораларга боғлиқ. Шунинг учун йирик корхона ва тармоқларни хусусийлаштириш бўйича инвестицион воситачиларни ва стратегик консультантларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳукумат қарорига мувофиқ, "UzAssets" инвестиция компанияси самарали бошқариш учун берилаётган корхоналарни сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда мустақил ҳисобланади.**

Бундан ташқари, компанияда кузатув кенгаши тузилади, таркибидаги камида 50 фоиз аъзоси юқори малакали, халқаро тажрибага эга бўлган мутахассислардан иборат бўлади. Компания устав капиталига берилган давлат акция пакетлари (улушлари) унинг кузатув кенгаши қарорига асосан бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда дунё тажрибасида кенг қўлланиладиган тартибларга мувофиқ сотилади.

Давлат мулки активлари ва корхоналарини хусусийлаштиришнинг амалдаги тартиботи давлат иштирокидаги корхоналарни сотишга тайёрлаш жараёнларида фақат уларнинг мол-мулкларини хатловдан ўтказиш ва бозор қийматини аниқлашда мажбурий баҳолашни талаб этади. Бу жараён узоқ муддат ва ресурсларни талаб этгани ҳолда, хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлиги, яъни даромадлилиги ва истиқболга эгалиги каби энг муҳим омиллар инобатга олинмайди. Бунинг натижасида рақобатбардошлилиги паст ва барқарор фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг узоқ муддат давомида сотилмаслигига олиб келади. Янги компания корхоналарнинг инвестиция жозибадорлигини таъминлаш учун сотишдан олдин тайёргарлик ишларига замонавий билим асосида ёндашган ҳолда хусусийлаштиришнинг муваффақиятли натижаларини таъминлаш бўйича фаолият юритади.

Давлат активларини самарали бошқариш соҳасида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган бир қанча хорижий фондларни мисол келтириш мумкин. Сингапур, Нидерландия, Швеция каби мамлакатларда улар суверен фондлар шаклида тузилган.

"UzAssets" инвестиция компанияси дастлабки босқичда корхоналарга инвестицияларни жалб этиш билан шуғулланса, кейинги босқичларда юқоридаги фондлар мисолида трансформация қилиш имкониятларини кўриб чиқиши мумкин.

Ҳозирги босқичда корхоналар ва активларни сотиш жараёнлари тўғрисида "Road Show" дастурлари тайёрланади, дунёнинг йирик молиявий марказларида тақдимотлар ўтказиш режалаштирилган. Шу орқали иқтисодиётга салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш, улар сонини кўпайтириш ва аудиториясини янада кенгайтириш кутилмоқда.

Асарнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда "марказ"нинг Ўзбекистонга нисбатан "ўзбеклар иши" бўҳтони илк бор хорижлик адиб томонидан мутлақо бошқача нуқтаи назардан, таъбир жоиз бўлса, қатъий муросасизлик билан таҳлил қилинган ва ана шу аччиқ воқеликка очиқ ҳамда холис баҳо берилган.



Улуғ сиймолар

# ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИ

Бошланиши 1-бетда

Шароф Рашидов, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг энг янги тарихида ҳам, собиқ Иттифоқ ўтмишида ҳам муносиб ўрнига эга улуғ сиймодир.

**"Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов..."** — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартда қабул қилинган "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорида бу буюк инсонга ана шундай юксак, айни чоғда, жуда муносиб баҳо берилган.

Бинобарин, халқимизнинг ушбу жонкуяр фарзанди мустабид тузумнинг турли тўсиқларига қарамай, бор куч-ғайрати ва билими, салоҳияти ва тажрибасини юртимиз тараққиёти учун сарфлаган. Шароф Рашидов ўта чигал ва таҳликали замонда ҳамиша Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини ошириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш ҳаракатида бўлган.

**Шукурки, халқимиз оқибатли. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик миллатимиз табиатига зид. Эл-юртимиз ўз фаровонлиги йўлида хизмат қилган фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Собиқ тузум даврида "марказ"нинг айёрона кўрсатмаларига учган ёки ўзимиздан чиққан айрим нопок шахсларнинг Шароф Рашидов номини ёмонотлиқ қилишга уринишларига қарамай, халқимиз содиқ фарзанди хотирасини унутмади.**

Улуғ инсоннинг пок номини тиклашда мустақиллигимиз меъмори Ислом Каримовнинг хизматлари катта бўлди. Бу ҳақда сўз борганда, албатта, 1992 йил ноябрь ойида юртимизда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Аслида Шароф Рашидов номини оқлашдек эзгу ишга бундан ҳам олдин, яъни ХХ асрнинг 90-йиллари бошида киришилганини шахсан биламан. Шароф Рашидов тимсолида бутун халқимиз номини поклашдек улуғ амалнинг узвий қисми бўлган ўша савобли ишларга қайсидир жиҳатдан бевосита гувоҳ бўлганман.

Биринчи Президентимиз 1990 йилдаёқ тарихнинг ҳар қандай бурилиш палларида ҳам босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият зарурлигини уқтириб, хусусан, Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда худди шу нуқтаи назардан ёндашишга даъват этганди. Шундан сўнг ўн иккинчи чақириқ Олий Советнинг 1990 йил 30 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида Шароф Рашидовнинг фаолиятига баҳо бериш бўйича парламент комиссияси тузилди. Олий Советнинг 1990 йил 29 октябрь — 1 ноябрь кунлари бўлиб ўтган учинчи сессиясида бу борада махсус қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўша даврда халқ депутати, Олий Совет Мандат комиссияси раиси сифатида парламент тизимида фаолият юритиш асосида ана шу жараёнларда бевосита иштирок этган. Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида:

**биринчидан,** 2016 йил ноябрь ойидан эътиборан Жиззах тумани Шароф Рашидов номи билан аталгани;

**иккинчидан,** 2017 йил 27 мартда Президентимизнинг Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақида қарори қабул қилингани;

**учинчидан,** Жиззах туманида Шароф Рашидов хотирасига Ёдгорлик мажмуаси — бюст барпо этилгани;

**тўртинчидан,** Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов мемориал уй-музейи ташкил қилингани ва муаззам ҳайкал ўрнатилгани;

**бешинчидан,** атоқли адибнинг сайланма асарлари нашр этилгани — буларнинг барчаси мамлакат миқёсидаги ўша савобли ишларнинг узвий ва мантиқий давомидир.

Бугун юртимизда Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ китоблар, мақола ва хотиралар ҳам мунтазам эълон қилинмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда, дунё тажрибасида буюк тарихий шахсларнинг ҳаёт йўлини ёритиш борасида турлича ёндашувлар мавжуд эканига эътибор қаратиш даркор.

Очиқ тан олиш керакки, юртимизда ҳалигача хотиранавислик — мемуаристиканинг на миллий тарихи, на илмий назарияси ва на тадқиқ этиш услубияти (методологияси) ишлаб чиқилган. Аммо Шароф Рашидовнинг сиёсий портретини яратиш йўналиши нисбатан жадал ривожланмоқда. Бу йўналишда кейинги чорак аср давомида бир қатор китоблар эълон қилинди.

Хусусан, бу муҳим ёдномалар орасида **Гулнора Рашидова ва Дониёр Комилов** қаламига мансуб **"Шароф Рашидов: инсон давр кўзгусида ва давр — инсон тақдирида"** номли китоб муҳим ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, асарни ёзишда бу борадаги шарқона тарихий анъана давом эттирилган.

Бинобарин, аждодлар тўғрисида кейинги авлод вакиллари, яъни ота-боболар ҳақида фарзандлар, набиралар томонидан мемуарлар ёзиш тажрибаси Шарқда азалдан мавжуд. Заҳириддин **Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегим**нинг **"Ҳумоюннома"** асари бунинг яққол тасдиғидир. Бу асар фарзанднинг ўз отаси, акаси ҳамда шонли сулоланинг бошқа намояндалари ҳақида бирор тарихчи билмаган ноёб тарихий маълумотларга ва ўзга муаллифлар бита олмайдиган теран руҳий-маънавий кечинмаларга бойлиги билан ҳам дунё миқёсида юксак қадрланади.

Шу нуқтаи назардан, Г.Рашидова ва Д.Комиловнинг Шароф Рашидов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китоби мисолида ана шу миллий анъанавийлик ривожлантирилган. Айтмоқчимизки, муаллифлардан бири ушбу улуғ зотнинг қизи бўлса, иккинчиси набирасидир. Бундай шажаравий боғлиқлик, ўз навбатида, асар аҳамиятини янада оширган. Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти илмий-назарий асосда чуқур тадқиқ этилган алоҳида монографик тадқиқот ҳозирги кунга қадар яратилмагани инобатга олинса, мазкур китоб ўз мазмун-моҳияти бўйича илмий-тарихий монографик асар сифатида шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилган, десак янглишмаймиз.

Бу йўналишда битилган яна бир китоб бухоролик қаламкаш **Вали Қаҳҳор**нинг **"Унутилмас сиймолар"** ҳужжатли эссесидир. Унда атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидовнинг ўз даврида Бухоро вилояти аҳли билан кечган самимий ҳамда унутилмас учрашувлари ҳақида сўз боради.

Китобдаги ҳаётий хотираларнинг барчаси, бир томондан, Шароф Рашидовнинг табиатан камтар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга раҳбар сифатидаги ибратидан далолат бўлса, иккинчи томондан, ёшларимизга фидойи инсонлар ҳамиша эъзозда эканини ҳар доим эслатиб туриши билан жуда қадрли, деб ўйлайман. Энг муҳими, бу борадаги хайрли ишлар ўтмишини улуғлаган халқнинг келажаги ҳам буюк, деган ҳикматнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

**С.Ризаев**нинг 2017 йилда Тошкентда иккинчи нашри чиққан **"Шароф Рашидов: сиёсий портрет", Ирисмат Абдухолиқов**нинг **"Шароф Рашидов. Ҳақиқат ва ривоят", "Мен билган Шароф ака", Шуҳрат Эргашев**нинг **"Эрк истар кўнгил"** каби асарларини, шунингдек, **"Халқимизнинг отаҳқалб фарзанди"** ва **"Ёди ҳамиша ёдда"** сингари тўпламларни ҳам шундай китоблар сирасига қўшиш мумкин. Айни чоғда, бу ўринда мақсадимиз Шароф Рашидовнинг сиёсий портретини яратиш йўналишидаги китобларнинг барчасини таҳлил ва талқин этиш эмас, балки кейинги даврда ушбу жанр изчил ривожланаётганига эътибор қаратишдан иборат.



Фёдор Раззоқов

Фёдор Раззоқов 1962 йилда Москва шаҳрида туғилган. Пойтахтдаги 325-мактабда таҳсил олган. Армия сафида хизматдан кейин Н.Крупская номидаги Москва вилоят педагогика институтининг тарих факультети кечки бўлимида ўқиб, турли ташкилотларда фаолият юритган. 1994 йил биринчи китоби нашр этилди. Муаллифнинг ҳозиргача Россиядаги турли давр воқеаларига бағишланган 125 дан ортиқ китоблари чоп этилган. Фёдор Раззоқов ижоди мамлакатимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимизнинг ардоқли фарзанди атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида россиялик ёзувчиларидан биринчи бўлиб батафсил асар яратган. Китоб 2009 йилда Москвада «Коррупция в Политбюро. Дело красного узбека» номи билан нашр этилди. Ушбу китоб 2012 йилда «Дело, взорвавшее СССР» деб номланиб қайта нашрдан чиқарилди. Чоп этилган ушбу китоб юқоридаги нашрларнинг тўлдирилган вариантидир. 2019 йилда Москвада «Спасти Рашидова» номи билан янги китоб нашр этилди. Бу улуғ ватандошимизга бағишланган биринчи бадиий асардир.

Фёдор Раззоқов 2017 йил ноябрь ойида Жиззахда ўтказилган Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги тантаналарида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий меҳмони сифатида иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий конференциясида нутқ сўзлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бир қатор ҳамкасблари билан учрашди.

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-984-3



Фёдор Раззоқов

Фёдор Раззоқов

Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот

Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот

*"Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот" – ўзбек тилида. Тошкент, НМИУ "O'ZBEKISTON", 2020 йил*

Шу маънода, россиялик таниқли ёзувчи ва журналист **Фёдор Раззоқов**нинг **"Политбюродаги коррупция"** асарига мухтасар тўхталмоқчимиз. Мазкур китоб юқорида санаб ўтилган асарлардан кўра илгарироқ, яъни 2009 йили Москвада **"Коррупция в Политбюро. Дело "красного узбека"**, яъни **"Политбюродаги коррупция. "Қизил ўзбек"нинг иши"** деган ном билан нашр этилганди.

> **Мазкур китобга Шароф Рашидовнинг сиёсий портрети нуқтаи назардан ёндашар эканмиз, Фёдор Раззоқов бу сиймони собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши билан боғлиқ сиёсий найранглар ва "ўзбек иши" деб ном олган бўҳтонни аёвсиз фош этган ҳолда, энг муҳими, адолат ва ҳақиқат, холислик ва тарихийлик тамойиллари асосида тасвирлаганини эътироф этиш ҳар томонлама ўринлидир.**

Камина Ф.Раззоқовнинг ушбу машҳур асарини ўшандаёқ рус тилида ўқиб чиққанман. Мана, эндиликда фидойи таржимонимиз Абдуҳамид Пардаевнинг саъй-ҳаракатлари билан барча ўзбек китобхонлари қатори мен ҳам уни она тилимизда мутолаа қилиш имконига эга бўлдим.

Модомики, мазкур китобга Шароф Рашидовнинг сиёсий портрети нуқтаи назардан ёндашар эканмиз, Фёдор Раззоқов бу сиймони собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши билан боғлиқ сиёсий найранглар ва "ўзбек иши" деб ном олган бўҳтонни аёвсиз фош этган ҳолда, энг муҳими, адолат ва ҳақиқат, холислик ва тарихийлик тамойиллари асосида тасвирлаганини эътироф этиш ҳар томонлама ўринлидир. Муаллиф таъбири билан айтганда, **"Совет Иттифоқини барбод қилишни мақсад қилган кимсалар дастлабки зарбаларни айнан Шароф Рашидов ва ўзбек халқига қаратди. Бу қандай рўй бергани мазкур китобда ҳикоя қилинади".**

Китоб муаллифи ҳақида қисқача маълумот. **Фёдор Ибодович Раззоқов** 1962 йил 7 февралда Москвада туғилган. 1981-1983 йилларда ҳарбий хизматни ўтагач, Н.Крупская номидаги Москва вилояти педагогика институти тарих факультетининг кечки бўлимида таҳсил олган. 1992 йили "Коммерсантъ" газетасида қўриқчи, 1996-2000 йилларда "Я телохранитель" газетасида жиноят ишлари бўйича журналист сифатида фаолият юритган. 2000 йилдан бошлаб Россия телевидениеси каналларида жиноий мавзуларга бағишланган ҳужжатли ва бадиий фильмлар, турли кўрсатувлар тайёрлашда иштирок этган. 2006 йилдан буён "Советская Россия" газетаси билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ф.Раззоқовнинг **"Владимир Висоцкийнинг ҳаёти ва ўлими"** номли илк китоби 1994 йили нашр этилган. Сўнг 1996-1998 йилларда 4 жилддан иборат **"Социализм замони бандитлари", "Капитализм замони бандитлари", "Ғарб бандитлари" ва "Террор асри"** номли китоблари чоп этилган. Унинг собиқ Иттифоқнинг машҳур кишилари — театр, кино ва эстрада намояндалари, спортчилар, ёзувчи-шоирлар ва телебошловчилар таржимаи ҳоли ёритилган 8 жилдлик **"Юлдузларга доир ҳужжатлар"** асари 1998 -1999 йилларда нашрдан чиққан.

Муаллиф 2004 йилги икки жилдлик **"Ажойиб замондаги ҳаёт"** номли салмоқли асарида собиқ Иттифоқнинг яхлит ўн йили — 1970-йиллар воқеалари солномасини тўлақонли баён этишга интилган. У 2016 йили ушбу лойиҳага яна қайтиб, Россиянинг Тизимли-стратегик таҳлил институти (ИСАН) билан ҳамкорликда, А.Фурсов раҳбарлигида ХХ аср 60-йилларининг батафсил солномаси нашрига киришади. Эътиборли жиҳати шундаки, **"Ажойиб замондаги ҳаёт. Олтмишинчи йиллар"** деб номланган ушбу солноманинг ҳар иккита залворли жилдида ўша ўн йиллик даврнинг бир йиллик воқеалари қамраб олинган.

Ф.Раззоқовнинг **"Политбюродаги коррупция. "Қизил ўзбек"нинг иши"** китоби Шароф Рашидовнинг таржимаи ҳоли сифатида ёзилган бўлиб, 2009 йили Москванинг "Алгоритм" нашриётида чоп этилган. Асарнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда "марказ"нинг Ўзбекистонга нисбатан "ўзбеклар иши" бўҳтони илк бор хорижлик адиб томонидан мутлақо бошқача нуқтаи назардан, таъбир жоиз бўлса, қатъий муросасизлик билан таҳлил қилинган ва ана шу аччиқ воқеликка очиқ ҳамда холис баҳо берилган.

Фёдор Раззоқов ўз асарида Шароф Рашидовни шоҳ ва олим Мирзо Улуғбекка ўхшатади. Мен эса ушбу буюк давлат арбобини султон Ҳусайн Бойқарога ҳам қиёслаган бўлардим. Зотан, Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг яқин дўсти бўлган султон Ҳусайн Мирзо ҳукмронлиги даври ўзбек адабиётининг олтин асри бўлган. Ҳусайн Бойқаро "Рисолаи Ҳусайний" асарида бундай деб эътироф этган: **"Мен шунинг учун ҳам бахтлиманки, Жомий ва Навоий даврида яшаяпман... Менинг давримда Ҳиротда мингта шоир борлиги билан ҳам фахрланаман".**

Ф.Раззоқовнинг 2019 йилда "Рашидовни қутқаринг" асари ҳам нашр қилинди. Мазкур асар Шароф Рашидовнинг беназир шахси тўғрисидаги дастлабки бадиий асар экани ҳам алоҳида аҳамиятга молик.

Ҳусайн Бойқаро сингари Шароф Рашидов ҳам Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳаларини юксалтириш билан бирга мамлакатимиз фани ва маданияти, санъати ва адабиёти равнақ топишига улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари **Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов** каби буюк ижодкорларга ҳамиша хайрихоҳлик билан муносабатда бўлди, лозим пайтларда моддий ва маънавий ёрдамини аямади. Улар билан бир даврда яшаётганидан фахрланишини ҳам мамнуният билан эътироф этгани ҳамон қайд этилади.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирида **Эркин Воҳидов "Ўзбегим"** қасидасини эълон қилади. Бу собиқ шўро тузумининг мустабид мафкурасига кўра исёнкорлик руҳи билан йўғрилган асар эди. Бинобарин, ўша пайтдаги Иттифоқнинг Давлат хавфсизлиги қўмитаси (КГБ) томонидан шоирга тазйиқ кўрсатиш бошланади. Вазият қанчалар қалтис эканидан қатъи назар, Шароф Рашидов ҳам республика раҳбари, ҳам чинакам ватанпарвар инсон сифатида кўксини қалқон қилиб, шоир Эркин Воҳидовни КГБ тазйиқидан омон сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифи билан Фёдор Раззоқов 2017 йил ноябрь ойида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги тантаналарида қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмасида ташкил этилган анжуманларда сўзга чиқди. Россия делегацияси таркибида Шароф Рашидовнинг Тошкент шаҳрининг Чиғатой қабристонидаги қабрини зиёрат қилди. Жиззахда Шароф Рашидов ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Шароф Рашидовга бағишланган мазкур китобга сўзбоши ёзиб, ўзбек китобхонларига тақдим этганимни алоҳида таъкидламоқчиман. Зотан, Шароф Рашидов беназир инсоний фазилатлар соҳиби эди. Бинобарин, Ш.Рашидовга бағишланган китоб муаллифи Фёдор Раззоқов ва мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилган Абдуҳамид Пардаев тўғрисида ҳам комил ишонч билан шундай деб айта оламиз.

Мен таржимон **Абдуҳамид Пардаев**ни биринчи галда шоир сифатида яхши биламан, у кўплаб ўзбек адиблари ва шоирлари ижоди тўғрисидаги мақолалари билан адабиётшунос сифатида ҳам танилган. А.Пардаевнинг навбатдаги таржима асари тафсилотларига бафуржа тўхталиб ўтирмасдан, унинг мағзини чақишни китобхоннинг ўзига ҳавола этаман. Энг асосийси, ушбу китоб нафақат тарихий ва солномавий асар сифатида қимматли, балки тарих ва шахс мавзусидан ташқари, китобхоннинг эстетик маданиятини бойитишга қаратилган маълумотларга ғоятда бойлиги билан ҳам диққатни ўзига жалб этади. Айниқса, муаллиф Шароф Рашидов шахсига ҳурмат кўрсатиш билан бир қаторда, ушбу улуғ инсоннинг хотирасига эъзоз-эҳтиромини намоён этиши ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Бундай самимий ҳурмат-эҳтиром юртдошларимизнинг юксак эътирофи билан ўзаро ҳамоҳанг. Зотан, Шароф Рашидов умри давомида амалга оширган барча эзгу амаллар халқимизнинг хизматида бўлиш, Ўзбекистоннинг дунё саҳнида обрў-эътиборини мустаҳкамлашга қаратилгани билан намуна бўлишга муносибдир.

Шароф Рашидов шиддат-шижоати ва юксак профессионализми билан ҳамиша ажралиб турган. У киши фавқулодда салоҳият ва хотира соҳиби бўлган. Айниқса масъулиятни чуқур ҳис этган. Энг муҳими, Шароф Рашидов сиёсатда ҳалол, ахлоқан пок инсон бўлган. Таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олим Л.Левитин эътироф этганидек, Шароф Рашидов шахсий фазилатларига кўра ўша давр сиёсатчиларининг ёрқин намояндаларидан бири бўлган.

**Шароф Рашидовнинг навқирон авлодларимизга намуна бўлгулик яна бир хислати — китоб мутолаасини энг мароқли ҳордиқ деб билганидир. У адиб сифатида китоб ёзиш билан бирга, китоб ўқишни ҳам яхши кўрган. Ҳамиша бўш вақтларида бадиий асарларни мутолаа қилган, рус ва Европа адибларининг асарлари билан қизиққан, тарих, айниқса, Ўзбекистон тарихига доир асарларни мунтазам ўқиб борган.**

Шароф Рашидовнинг бой шахсий кутубхонасида адабиёт, тарих ва санъатга доир нодир китоблар кўп бўлган. Бинобарин, у зот китоблар инсон тарбиясида ғоят муҳим ўрин тутишини, ҳар қандай шахснинг соғлом дунёқарашини шакллантиришда кутубхонасида мақбул китоблар жамланиши катта аҳамиятга эга эканини чуқур англаган.

Айни пайтда Шароф Рашидов оилапарвар инсон бўлган. У киши турмуш ўртоғи Хурсандой опа билан беш нафар фарзанд кўрган. Кейинчалик тўққиз невараси, тўққиз эвараси, уч невараси туғилди. Кези келганда, жасорат, матонат ва меҳр-оқибатда тенгсиз ўзбек аёли — Хурсандой ая (бу йил у кишининг 100 йиллиги оила аъзолари даврасида нишонланди) вафоли ёр, содиқ дўст, холис ёрдамчи, рўзғорнинг меҳрибон бекаси сифатида қирқ йилдан зиёд Шароф Рашидовнинг ёнида бўлганини эътироф ва эҳтиром ила таъкидлашга бурчлимиз.

Муҳими, эл-юртимизнинг Шароф Рашидов каби атоқли ва ардоқли фарзандларини ёд этиш орқали навқирон авлодларимиз онгу шуурига ватанпарварлик, элпарварлик, одамийлик ва халққа сидқидилдан хизмат қилиш фазилатларини сингдирамиз. Дунё аҳли улуғ сиймоларини доимо ардоқлайдиган, чексиз эҳтиром кўрсатадиган халқ эканимизга яна бир карра амин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Шароф Рашидов оламдан ўтган санадан буён юртимизда бир неча авлод алмашди. Шунга қарамай, бу буюк шахс хотираси ҳамон барҳаёт, натижада унинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий ҳақиқат ғалаба қилмоқда. Ишончимиз комилки, Шароф Рашидовнинг хотираси ахборот асри деб аталган, бир-бирига зид маълумотларга ниҳоятда бой бўлган ва тобора глобаллашаётган ХХI юз йилликда, кейинги даврларда ҳам эл-юртимиз ёдида мангу сақланиб қолади.

**"Бобурнома"ни ўқир эканмиз, Ҳазратнинг кўплаб ғазал ва рубоийлари Андижон, Тошкент, Самарқанд, Ўратепа, Хўжанд, Кобул, Агра сингари қалъалар орасида ўтган машаққатли сафарларда, кутилмаган манзилларда ёзилганига ва шоир умрининг бир парчаси, ҳаёт ҳақиқати эканига ишончимиз комил бўлади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 23 ик[illegible]-сон

**Адиблар хиёбонидаги ўйлар**

# "БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒИЛКИ..."

**Адиблар хиёбонида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рамзий сиймосига боқиб, хаёлимдан тарихнинг ёруғ ва булутли кунлари ўтди. Бу ёдгорлик қанчалар қадрли эканини ёшларга етказиш шарафли бурчимиз эканини ҳар қачонгидан-да чуқур ҳис қилдим.**

Муаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

**Ҳумоюн АКБАРОВ,**
**шоир, таржимон**

Халқимизнинг ардоқли адиби Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" тарихий романи илк бор нашр этилганида мактабда ўқир эдим. Ўшанда раҳматли бобомнинг ёстиғи остида турадиган "Бобурнома"нинг ёнига "Юлдузли тунлар" китоби ҳам қўшилганди. Айниқса, оиламизда, мактабимизда, маҳалламиздаги катта-кичик давраларда кўпчилик Бобур мирзо ҳақида китобдаги воқеаларга қўшиб, халқ орасида юрган турли афсона-ривоятларни ҳайратланиб сўзлагани ҳамон ёдимда. "Юлдузли тунлар" китоби юртимиз бўйлаб тез тарқалган ва бу Ватан тарихи, буюк боболарнинг ибратли ҳаёт йўлини билишга ташна халқимизнинг кўнглини кўтаргани, одамлар руҳиятида улкан маънавий юксалиш рўй бергани, миллатнинг қадди тикланганини ҳозирга келиб янада теран ҳис этиб турибман.

Кейинчалик, 1999 йилда Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" (Бобур) романининг навбатдаги нашрига ёзган сўзбошисини ўқиб англадимки, даставвал китобнинг чоп этилишига рухсат берилмаган: "Бобур мирзонинг ҳаёти ва фаолиятига оид мавзулар уммондай чексиз, — деб ёзади устоз адиб. — Бу уммонда ўнлаб, юзлаб адабий кемалар сузиши мумкин. "Юлдузли тунлар" ана шу мажозий кемалардан бири сифатида юзага келди. Уни 1972 йилда илк бор ёзиб, нашрга топширганимда тоғдай бир юк елкамдан тушгандай бўлган эди. Лекин мустабид тузум тазйиқи остида роман чоп этилмай ётган олти йил давомида ўша залворли юкни яна елкамда кўтариб юргандай бўлдим. Қўлёзмани кўпгина масъул мутасаддилар, катта академиклар ўқиб, фикр билдиришди. Чоп этиш масаласи қизил империя марказининг рухсати билангина ҳал этилиши мумкин экан. Қўлёзманинг сатрма-сатр таржимасини Москвада ҳам ўқишиб, ёзма тақризлар беришди. Хилма-хил фикр ва мулоҳазалар чангалзоридан тиканларга тирналиб ўтдим, йўлимдан адашиб кетмаслик учун доим тарих ҳақиқатига, хусусан, "Бобурнома"дай асл манбаларга таяндим. Олти йил давомида романга киритган янги таҳрирларим кўпроқ унинг бадиий нуқсонларини тузатишга, тарих ҳақиқатини чуқурроқ очишга қаратилди. 1979 йилда раҳматли Шароф Рашидовнинг ёрдами билан китоб нашрдан чиқди. 1981 йилда унга Давлат мукофоти берилгани мустабид тузум золимларининг қаҳрини кептирган бўлса керак, "пахта иши", "ўзбек иши" деган даҳшатли туҳматлар даврида Амир Темур ва Бобур мирзога қарши янги ҳужумлар уюштириб, мени ҳам роман билан бирга лойқа селлар гирдобига тортиб туширишга уриниб кўрдилар. Лекин жамоат фикри уйғонган, истиқлолимиз тонги отаётган пайтлар эди".

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти, ижодини ўрганишга ўз юртида шундай тазйиқлар бўлаётган вақтда дунё бўйлаб унинг адабий меросини тадқиқ этиш, асарларини турли тилларга таржима қилиш ҳаракатлари тобора кучайиб борарди. Европада бобуршуносликка 1705 йилда асос солинган бўлса, унга қадар ҳам Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон сингари давлатларда бобомизнинг асарлари ўрганилиб, қурдирган меъморий обидалари обод сақлангани тарихий манбаларда қайд этилган. Бобурийлар бунёд этган саройларга эса зиёратчилар, сайёҳлар ҳамиша дарёдай оқиб турган. "Кобулдаги "Боғи Бобур" ҳар доим зиёратчилар билан гавжум, — деб ёзади афғонистонлик "Боғи Бобур"нинг иш бошқарувчиси Аҳмадшоҳ Вардақ ўз мақоласида. — Ҳар жума куни ўн мингга яқин, ҳайит байрами кунлари 20 мингдан зиёд одам келади".




Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт йўли, тарихий мероси бир соҳа ёки бир мамлакат доирасига сиғмайди, ахир "Бобурнома"дай буюк асарни сўнгига қадар ўрганиб чиқишни тасаввур этиб бўладими! Йиллар ўтар экан, бу улкан адабий мероснинг тарихий аҳамияти янада ортиб бораверади, унинг тарихий ҳақиқати эса тадқиқотчиларни оҳанрабодек ўзига тортаверади.

Ўзбек адабиётида ҳам Бобур мирзо ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар сони кўпайиб бормоқда. Севимли ёзувчимиз Ҳайриддин Султоновнинг "Бобурийнома" маърифий романи, "Саодат соҳили" қисса ва ҳикоялари, Қамчибек Кенжанинг сафарномалари, Сирожиддин Саййиднинг "Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур" достони, Дурбек Қўлдошевнинг "Императорнинг туғилиши" романи ва бошқа кўплаб ҳикоялар, шеърий туркумлар ёзилди ва ёзилмоқда.

Ўзбекистонда Бобур халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси ташкил этилгандан кейин бобуршунослик чинакам янги, ривожланиш даврини бошлади. Фонд ўтган йигирма беш йилдан зиёд вақт давомида қирқдан ортиқ мамлакатга сафарлар ташкил қилиб, Андижондаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи беш юздан ортиқ ноёб қўлёзма билан бойитилди, ўнлаб бадиий, маърифий ва илмий китоблар нашр этилди. Ҳар йили Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган куни Андижонда бўлиб ўтадиган тадбирларга хорижий мамлакатлардаги бобуршунослар таклиф этилиб, бу борада амалга оширилган янги тадқиқотлар халқаро миқёсда муҳокама қилиниши, илмий анжуманлар ўтказилиши анъанага айланди.

Андижон шаҳри марказида юртимизнинг бетимсол фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали тикланди. Ҳар сафар унинг ёнидан ўтар эканман, асар муаллифи Равшан Миртожиевнинг (1954-2014) 2012 йили Тошкентда, Оқтепадаги устахонасида айтган гаплари ёдимга тушади: "Ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали 1993 йили Андижон шаҳри марказида ўрнатилди, — деган эди фахр билан Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев. — Бу ҳайкалнинг очилишини халқимиз қанчалар хурсандчилик билан кутиб олганини сўз билан ифодалаш қийин. Ахир, бу асрий орзу эди! Мустабид шўролар замонида улуғ бобомизга нотўғри муносабатда бўлингани кўпчиликнинг кўнглини ранжитган эди. Андижондаги Мирзо Бобур ҳайкали менинг биринчи ва муваффакиятли ишим, уни ижодий парвозимга йўл очган асарим деб биламан. Кейинчалик, 1995 йили "Чавгон ўйнаётган Бобур" номли композиция ишладим. Ҳозир бу асарим Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги музейда сақланмоқда. Бундан ташқари, бобомизнинг яна бир ҳайкали эскизини тайёрлаб қўйдим. Бу аввалгилардан ўзгача ишланган".

Равшан Миртожиевнинг 60 йиллиги муносабати билан Бадиий академияда ташкил қилинган катта кўргазмада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг янги ҳайкали эскизи ҳам намойиш этилиб, мухлислар эътиборини қозонган эди. Адиблар хиёбонига ўрнатиш учун мутахассислар томонидан айнан ўша эскиз танлаб олинди. Равшан аканинг садоқатли шогирдлари, ёш ҳайкалтарошлар Улуғбек Отаназаров ва Жасван Анназаров томонидан ўша эскиз асосида беш метрдан зиёд катталикдаги ҳайкал тайёрланди.

— Адиблар хиёбонига Бобур бобомизнинг ҳайкали ўрнатилиши ҳақида хабар топганимиздан кейин устоз яраттан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали эскизини танловга олиб бордик. Ҳаракатимиз бесамар кетмади, ғолиб чиқдик. Агар устоз ҳаёт бўлганида, Тошкентга Бобур мирзонинг маҳобатли ҳайкали айнан ўзи тайёрлаган эскиз асосида қўйилганини кўриб, жуда қувонган бўлар эди, — дейди Улуғбек Отаназаров.

Буюк шоир, аллома, адолатли подшоҳ, довюрак саркарда, ростгўй муаррих, адабиёт аҳлининг холис танқидчиси, бекиёс тилшунос, сайёҳ-географ, зукко таржимон, йирик фиқҳшунос, боғлар ва қасрлар бунёдкори... Бу таърифни яна давом эттириш мумкин, зеро Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғузал ғазаллари, ҳикматли рубоийлари, қомусий "Бобурнома", фиқҳ илмига оид "Мубаййин" рисоласи, аруз назариясига бағишланган тадқиқоти, Хожа Аҳроннинг "Рисолаи волидия" асари таржимаси, "Хаттий Бобурий" алифбоси ва бошқа қатор ноёб битиклари халқаро миқёсда жаҳон адабиётининг юксак намуналари сифатида ўрганилмоқда. Демак, Бобурнинг пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ўрнатилган ҳайкали нафақат бобуршунослар ёки адабиёт ихлосмандлари, балки ҳарбийлар, сиёсатчилар, тарихчилар, географлар, этнографлар, меъморлар, ҳуқуқшунослар, табиатшунослар ва яна кўплаб соҳа вакиллари зиёрат қиладиган қутлуғ даргоҳга айланди.

Шу ўринда Бобурнинг Тошкент шаҳрига айрича муносабати, меҳр-муҳаббати, она юрти, бобоси ва тоғалари макон тутган бу шаҳарга кўп бора келгани ёдимизга тушади.

"Хон додамнинг эшигига борсам, гоҳи бир киши била, гоҳи икки киши била борур эдим, вале яхшилиғи бу эдиким, ёт эмас эдилар, туққон эдилар. Хон додамға кўрунуш қилиб, Шоҳбегим қошиға келур эдим. Ўз уйимдек бош яланг, оёқ яланг кирар эдим", деб ёзади "Бобурнома"нинг 1502-1503 йил воқеалари баён этилган бобида. Йигирма ёшлардаги ўтюрак йигитнинг оддий, содда ва самимий бу сатрларини ўқиб, унинг ўша даврларда Тошкент хони бўлган тоғаси Султон Маҳмудхонга ва бобоси Юнусхонга нақадар ишонгани ва суянганини ҳис этамиз.

"Бетаваққуф ўтуб, хон қошиға Тошкандга бордим. Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим бор эди. Ул маҳалда шеър мусталаҳотиға мунча татаббуъ қилмайдур эдим, хон хуштаъб киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлиқ ғазали камроқ эди, бу рубоийни хонга ўткариб, тараддудимни арз қилдим. Кўнгул тийгудек шофий жавоб топмадим. Ғолибо, шеър мусталаҳотиға камроқ татаббуъ қилғондурлар.

Рубоий будур:

***Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,***
***Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.***
***Кўнглум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,***
***Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши".***

Мазкур рубоий мазмун-моҳиятидан Бобур мирзо гоҳ Андижондаги, гоҳ Самарқанддаги Аҳмад танбал ва Шайбонийхон сингари душманлар билан бўлиб ўтган тўқнашувлар тўфонида Тошкентга, тоғалари ҳузурига кўмак истаб келгани ҳам англанади.

"Тонгласиға Сомсийрак навоҳисини чарга солиб овладилар. Келиб Турок чорбоғиға тушулди. Ул ғазалким тугаттим, ушбу кун ушбу юртта тугаттим. Ул туғанган ғазал будур:

***Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,***
***Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.***
***Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалким туганди,***
***ўшул тартиб била-ўқ битилди. Мундин кўчбакўв Хўжанд дарёсинина ёқасиға келдилар".***

Бобур мирзонинг халқ қўшиғига айланиб кетган машҳур ғазалидаги ғамгин оҳанглар тарихи ҳам 1501-1502 йилларда кечган нотинч ҳаёти, тахт учун кураш, қолаверса, темурий шаҳзодаларнинг тарқоқлиги, Шайбонийхонга қарши жангларда чеккан азиятларидан туғилгани, шубҳасиз. "Бобурнома"да бу сингари туркий ва форсийда битилган байтларга кўп дуч келамиз.

"Бобурнома"ни ўқир эканмиз, Ҳазратнинг кўплаб ғазал ва рубоийлари Андижон, Тошкент, Самарқанд, Ўратепа, Хўжанд, Кобул, Агра сингари қалъалар орасида ўтган машаққатли сафарларда, кутилмаган манзилларда ёзилганига ва шоир умрининг бир парчаси, ҳаёт ҳақиқати эканига ишончимиз комил бўлади.

Адиблар хиёбонига келганда, ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалига қараб, табиий равишда Султон Ҳусайн Бойқаро давридаги шуаро ҳақида "Бобурнома"да битилган ноёб сатрлар ёдимизга тушади. Китобда ҳазрат Алишер Навоийдан бошлаб кўплаб шоирлар, қолаверса, "таъби назми бор" мирзолар, сарой аъёнларининг ижодига лўнда ва мазмунли таърифлар ёзилган.

Асарда Алишер Навоий номи ҳурмат-эътибор билан кўп бора тилга олинар экан, 1500-1501 йил воқеалари битилган бобдаги қуйидаги сатрлар бизни ҳаяжонга солади: "Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йиборибман, орқасида турки байт айтиб, битиб йиборибман".

Бу вақтда Бобур 17 ёшда бўлса-да, ёши 58-59 ларга борган давлат арбоби, улуғ шоир Алишер Навоийнинг эътиборини қозонган ва ўртада китобат алмашув, ижодий ҳамкорлик бошланган эди.

"Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай", деб ёзади Бобур Ҳирот адабий муҳитидаги аҳли шуаро ҳақида.

Ўн икки ёшида тахтга ўтирган Бобур мирзонинг нафақат Тошкент, Фарғона, Самарқанд шаҳарларидаги, балки Ҳиротдаги адабий муҳитни яхши билиши ва бу ҳақида мустақил, холисона фикрларга эгалиги бизни ҳайратга солади. Ваҳоланки, ўзининг қисқа, аммо нотинч, жангу жадалларда ўтган умри давомида битган ғазал ва рубоийлари содда, пурмаъно, ҳаётий экани ҳам унинг Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий сингари буюк шоирларнинг ижодини мукаммал ўрганганги, адабий жараённи пухта билганидан далолат беради.

Олимларнинг таъкидлашича, Ҳиндистон, Туркия, Франция, Буюк Британия ва Покистондаги китоб хазиналарида Бобур мирзо девонининг ўнта қўлёзмаси, жумладан, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондида ҳам бир нусха сақланмоқда. Улар турлича номланган бўлса-да, мазмун-мундарижаси деярли бир хилдир.

"Ҳофиз Мир котибнинг оға-иниси Самарқандтин келиб эрди, бу фурсатта Самарқандға рухсат бериб, Фўлод султонға девонимни йибордим, — деб ёзилади "Бобурнома"нинг 1509-1510 йил воқеалари баёнига бағишланган бобида Самарқанд ҳокими Пўлат султонга девон юборилгани ҳақида. — Девоннинг орқасида бугина қитъани битдим:

***Ул сарвнинг ҳаримиға гар етсанг, эй сабо,***
***Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига,***
***Раҳм айлабон соғинмади Бобирни, бор умид,***
***Солғай худой раҳмни Фўлод кўнглига".***

Шоир девон юборишга бағишланган қитъада ҳам Ватан соғинчини изҳор этиб, пўлат, яъни тош, қаттиқ кўнгиллар ўзини соғинишидан умид қилади. Ортиқча безакларсиз, муболағаларсиз самимий, рост сўзни айтиш ва шу лўнда ифода воситасида мавзу моҳиятини очиб бериш Бобурнинг барча асарларига, бутун ижодига хос фазилатдир. Бу ўғли Ҳумоюнга битган мактубидаги ўгитида яққол ифодасини топган: "Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақоуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда қоҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучига". Яъни: "Хатингни бир амаллаб ўқиса бўлади, лекин тушунарсиз сўзларни қўллаганингдан мақсадингни тўла тушуниб бўлмайди. Эҳтимол, хат ёзишга сустлигинг шундандир. Жимжимадор сўзларни битмоқчи бўласан, шу боис тушунарсиз чиқади. Бундан кейин такаллуф қилма, равшан ва аниқ сўзлар билан ёз. Сенга ҳам, ўқувчига ҳам ташвиш камроқ бўлади" ("Бобурнома" табдилидан).

Бобур подшоҳ фарзандларига содда, равон, жимжимадор сўзлардан холи тушунарли хат битишни маслаҳат беради. (Ҳазратнинг ота сифатида фарзандларига қилган ўгитлари барча ота-оналар учун ибратлидир.). Биз "Бобурнома"ни варақлаганда ҳам, ғазал ва рубоийларини ўқиганда ҳам Бобур подшоҳнинг мана шу тамойилга қатъий амал қилганига гувоҳ бўламиз.

Тарихда ўтган кўплаб шоҳларнинг жангномалари, шоҳномалари ўз даврининг моҳир муаррихлари қаламида жимжимадор сўзлар билан битилганини биламиз. Табиийки, муаррихлар шоҳларнинг номини юксакларга кўтариб улуғлаган, жанглар таърифини ошириб-тошириб тасвирлаган, бу эса воқеаларнинг ҳаққоний баён этилишига, фикр тиниқлиги ва равонлигига озми-кўпми салбий таъсир кўрсатиб, ўқувчини чалғитади. Шу жиҳатдан "Бобурнома"нинг Бобур мирзо шахсидан равон, аниқ, жимжималардан холи битилгани ўқувчиларга, қолаверса, тадқиқотчиларга ҳам, таржимонларга ҳам енгиллик туғдиради, яъни бошқа кўплаб "нома"лардан фарқ қилиб, фикр аниқлиги борасида "Темур тузуклари"га яқин туради.

Бобур мирзо шеърияти соддалиги, санъатларга бойлиги, туйғулар теранлиги, самимийлиги, жозибадор оҳанглари, шоирнинг ҳаётий тамойилларига содиқлиги билан ўзига хосдир. Унда ғурбатларда машаққат чеккан, қалбини Ватан соғинчи ўртаган, дунёдаги дўст-душманга ҳам фақат яхшилик тилаган инсон қиёфаси намоён бўлади. Шу маънода ҳам Адиблар хиёбонига унинг зиёратига келганларга эса шоҳ ва шоир:

***Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ —***
***Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ,***

*дея хитоб қилиб* тургандай туюлади.

**"Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай", деб ёзади Бобур Ҳирот адабий муҳитидаги аҳли шуаро ҳақида.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1596.
43135 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Асолат Шербекова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 22:55

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru